O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 16 IYUN ◆ SHANBA ◆ № 69 (26.771)

15 июнь, Шанхай. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади: Бугун эрталаб «Шангрила» меҳмонхонасида Шанхай саммитига ташриф буюрган делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда давлат раҳбарлари нутқ сўзлади.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ТУЗИЛДИ

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мазкур учрашув дунё сиёсий тарихига кирадиган воқеа бўлганини, беш йил аввал ҳарбий соҳада ҳамда чегара туманларида қуролли кучларни қисқартириш борасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш мақсадида асос солинган тузилма бугун иқтисодий-ижтимоий, сиёсий масалаларда хавфсизликни таъминлашда кенг ҳамкорликка йўл очадиган ташкилотга айланганини таъкидлади.

— Биз Шанхай ташкилотини тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, шунингдек, биринчи навбатда, халқаро террорчилик, диний экстремизм, миллий айирмачилик ва наркобизнес каби минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хатарга қарши пухта ўйланган ва самарали курашга йўналтирилган кўп томонлама ҳамкорлик механизми деб биламиз, — деди Ислом Каримов.

Диққатга молик томони шундаки, Шанхайда нуқтаи назари, қарашлари ва сиёсати Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётга бевосита боғлиқ давлатлар раҳбарлари йиғилди. Булар орасида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлмиш Россия ва Хитой борлиги эътиборга молик. Ислом Каримов шуларни таъкидлар экан, Ўзбекистон онгли равишда Шанхай тузилмасига қўшилганини, бу қўшилиш баробарида сифат ва фаолият кўлами жиҳатдан бутунлай янги ташкилот таъсисчиси бўлганини қайд этди. Бу ташкилот фаолиятига оид фикрларни билдириб, ечимини кутаётган бир неча долзарб муаммони санаб ўтди. Албатта, биринчи навбатда, Афғонистон можароси қайд этилди. Бу ердаги хунрезлик тугамас экан, таҳдид сақланиб қолаверади. Натижада ўз-ўзидан янгидан-янги муаммолар келиб чиқаверади. Террор, экстремизм, айирмачилик ва наркобизнес бир-биридан айри муаммолар эмаслиги яхши маълум. Наркотик моддалар савдосидан келган миллиардлаб долларлар эвазига қўпорувчилар ёлланмоқда ва турли ваҳшийликларга йўналтирилмоқда. Бу тизим ғоят яхши мувофиқлаштирилади. Демак, унга қарши баҳамжиҳат курашилмаса, натижа кутилгандек бўлмайди.

Ислом Каримов қўпорувчи ёллайдиган марказлар асосий эътиборни иқтисодий қийинчиликлар, демографик муаммолар ва бошқа сабабларга қаратишини таъкидлаб, бунинг олдини олиш учун халқларимиз ҳаётини фаровонлаштириш йўлида ҳамкорлик қилиш лозимлигини айтди. Президент самарали ҳамкорлик имкониятлари мавжуд бўлган қатор соҳаларни қайд этиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ҳозирги кунда оммавий қирғин қуролларининг ноқонуний тарқалиши ҳам тобора долзарб муаммога айланаётганини таъкидлаб, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш жараёнини тезроқ якунига етказишда БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари бўлмиш Россия ва Хитой ёрдамига умид билдирди.

Президентимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолияти қуруқ баёнотлардан иборат бўлиб қолмаслиги, қарорлар пухта ўйланиб, келишилиб, аниқ фойда келтиришига амин бўлган ҳолда қабул қилиниши лозимлигини ҳам айтиб ўтди.

Ислом Каримовнинг фикр-мулоҳазалари бошқа қатнашчилар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Музокараларда қабул қилинажак ҳужжатлар, ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисида декларация қабул қилинди ва террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасидаги Шанхай конвенцияси имзоланди. Декларацияга биноан янги ташкилотнинг мақсади аъзо мамлакатларнинг бир-бирига ўзаро ишончи, дўстлик ва қўшничилигини мустаҳкамлаш, улар орасида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, таълим, энергетика, транспорт, экология ва бошқа соҳалардаги самарали ҳамкорлигини рағбатлантиришдан иборат. Ҳужжатда минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш ва таъминлашдаги биргаликда ҳаракатларнинг муҳимлиги таъкидланади.

Саммит иштирокчилари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги учрашувини 2002 йилда Санкт-Петербург шаҳрида ўтказишга келишиб олди.

Шанхай саммити доирасида, шунингдек, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ўртасида чегаралар туташуви тўғрисида уч томонлама битим имзоланди.

Шундан сўнг ХХР Раиси саммит қатнашчилари шарафига зиёфат берди. Шу билан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити ниҳоясига етди.

Тошкентга қайтиш олдидан Хитой томони таклифига биноан Президент Ислом Каримов ХХР раҳбари Цзян Цзэмин билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар хусусида фикр алмашилди.

***

Суратда: ташрифдан лавҳа.

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат

МАГИСТРАТУРА, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ БИРИНЧИ БИТИРУВЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Аввало, замонавий билим даргоҳларининг илк қалдирғочлари бўлган сиз — илм ва ҳунар соҳибларини ўқишни муваффақиятли тамомлаганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Юртимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир ота-она ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида олижаноб инсоний фазилатларни намоён этишга қодир баркамол инсонларни кўради, уларнинг бахтли-саодатли бўлишини орзу қилади.

Биз ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, янги ҳаёт, янги жамият қуришга, келажагимизни жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисми сифатида барпо этишга азму қарор қилган дастлабки кунларданоқ бундай юксак мақсадларга эришишнинг энг муҳим шарти — ўз мустақил фикрига эга, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш билан боғлиқ эканини теран англадик.

Ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида дастлабки, айни пайтда тарихий қадам бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини ишлаб чиқдик ва ҳаётга жорий этишга киришдик. Бу дастурнинг ўзбек таълим модели сифатида бутун дунёда тан олинаётгани, бу соҳадаги ишларимизга бошқалар эътибор ва ҳавас билан қараётгани узоқни кўзлаб тузилган режаларимизнинг тўғри ва ҳаётийлигидан далолат беради.

Қадрли фарзандларим!

Яхши ният билан парвариш қилинган дарахтнинг дастлабки меваси ҳамиша тотли бўлади. Бугунги ҳаяжонли дамларда сиздек бахтиёр авлоднинг чеҳрасига боқиб, ана шундай улуғ мақсадларимизнинг ширин меваси, олижаноб интилишларимизнинг илк нишонасини кўриб турибмиз, десак, асло муболаға бўлмайди.

Ўйлайманки, мустақил тараққиётимизнинг устувор йўналишини ташкил этадиган соғлом авлод ҳаракатининг дебочаси сифатида мана шундай улкан ўзгаришлар давридаги имкониятлардан баҳраманд бўлиш бахти айнан сизларга насиб этаётгани ўзига хос рамзий маънога эга.

Сизларнинг номингиз беқиёс янгиланишлар жараёнининг муҳим босқичидан шаҳодат бўлиб, буюк давлат қуришга интилаётган озод ва обод Ватанимизнинг янгитдан ёзилаётган тарихи саҳифаларидан жой олиши шубҳасиз.

Шуни ҳеч қачон унутмангки, навқирон авлоднинг хоҳиш-иродасини, жўшқин ва соф интилишларини ифода қиладиган сиздек ўғил-қизларимизни олдинда янги-янги имкониятлар, қанчадан-қанча зафарлар билан бирга, не-не синовлар, юксак довонлар, мураккаб ва шарафли йўллар кутмоқда.

Сизлар ҳар қандай вазиятда ҳам юртимиз истиқлолининг, дунёда яккаю-ягона бўлган она Ўзбекистонимизнинг фидойи ва жасур, билимдон ва бахтли фарзандлари бўлиб қолишингизни истардим. Мана шундай инсоний фазилатлар, бир умр комилликка интилиб яшаш, касбга садоқат туйғуси сизларни асло тарк этмасин.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганидек, азму шижоат, мардлик ва матонат доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

Бугун — ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингизнинг орзу-умидлари ушалган муборак кунда сизларга оқ йўл тилар эканман, олган билим ва тажрибангиз, одоб-ахлоқ, касб-ҳунар бобидаги камолингиз фақат яхшиликка, бунёдкорликка буюрсин, аввало ўзингизга, бутун эл-юртимизга бахту саодат келтирсин, дейман.

Мана шу унутилмас дамларда сизларга Яратгандан энг эзгу ниятларни тилаб қоламан.

Истиқлол ва тараққиёт йўлида қўйган қадамларингиз қутлуғ бўлсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ФЕСТИВАЛДА НАВОИЙЛИКЛАР

Шу кунларда республика Бадиий академияси, республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Миллий ахборот агентлиги мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказаётган «Шу азиз Ватан — барчамизники» фестивалининг Навоий вилояти кунлари бўлиб ўтмоқда. Фестивалда вилоятнинг табиий бойликлари, қишлоқ хўжалиги, маданият ва рассомлик санъати, миллий ҳунармандчилик, мусаввирлик ҳамда сангтарошлик асарларининг кўргазмаси намойиш қилинмоқда. Шунингдек, вилоят тадбиркорлари томонидан яратилган каштачилик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик санъати дурдоналари тақдим этилди. «Қизилқумцемент», «Навоийазот» ва Навоий кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, Хатирчи туманида ангор эчкилари юнгидан тайёрланган либослар, Томди, Учқудуқ, Нурота қорақўл терилари, Синтоп ёнғоғи, Учқора майизи, Навоий гўшт-сут заводи маҳсулотлари ҳам иштирокчилар эътиборини қаратиши табиий. Байрамона кунларда «Кескинтерак» фольклор-этнографик дастаси, «Қаҳ-қаҳа» кулги театри, Пўлкан шоир авлодларининг янги қўшиқ ва достонлари янграйди.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**

***

Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат

ЎН ЙИЛЛИККА ТЎЁНА

Мустақилликнинг 10 йиллиги нишонланишига қизғин тайёргарлик кўрилаётган айни пайтда мамлакатимизда тўйга тўёна билан боришга азму қарор қилган жамоа ва ташкилотларнинг сони кўп. Тошкент тумани Охунбобоев ширкат хўжалигида 70 ўринга мўлжалланган, 120 киши иш билан таъминланадиган туғруқхонанинг қурилиб ишга туширилиши ҳам бунинг яққол исботидир.

— Тўғрисини айтганда, яқин-яқинларгача айрим каттагина туман марказларида ҳам туғруқхоналар бўлмаганлигидан аҳоли қийналарди. Бугун хўжалигимизда туман ҳокимлиги, кўплаб ҳомийлар ҳисобига бундай иншоотнинг қуриб фойдаланишга топширилиши катта воқеадир, — дейди ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон ХДПдан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутат Искандар Позилов. — Бунинг учун биз хўжалигимиз ҳисобидан 145 миллион сўм сарфладик. Ниятимиз эл-юрт фаровонлигини оширишга, оналар ва болалар соғлиғини таъминлашга ҳисса қўшишдир.

Дарҳақиқат, эл-юрт корига ярайдиган ҳар бир иш доимо ўз баҳосини олиб келган, катта-кичикнинг дуоларига кўмилган. Муҳими, ҳали ёш, лекин забардаст, куч-қувватга тўлиб келаётган давлатимизда амалга оширилаётган бу сингари фаровонликка дахлдор ишлар тарихда қолади.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ**

***

Суратда: туғруқхонанинг очилиш маросимидан лавҳа.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

МАТБААЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон матбаачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида етакчи ҳисобланади, МДҲда эса учинчи ўринни эгаллайди. Ушбу маълумотлар пойтахтимизда шу йилнинг 11-15 сентябрида бўлиб ўтадиган «O'ZBEKinPRINT» ва «O'ZUPACK»нинг навбатдаги халқаро кўргазмаларига бағишланган матбуот анжуманида келтирилди.

Бу кўргазмалар Россиянинг «СюрПресс» ва Ўзбекистон — Россия «ПолРос» қўшма корхоналари, Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Россиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Россия амалий маркази томонидан ташкиллаштирилаётир.

Кўргазмада 20 дан ортиқ хорижий ва маҳаллий 30 компания иштирок этиши кутилмоқда. Улар матбаачилик, ноширлик фаолияти ва реклама бўйича, шунингдек, ёрлиқлар, идиш қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг янги асбоб-ускуналар, материаллар ва технологияларни намойиш этадилар.

■ **Шарофат ХУРРАМОВА**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ФАҚАТ «ПАТЕНТ» ТЎЛАШ ЁКИ «СЕРТИФИКАТ» БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ...»

Газетанинг шу йил 13 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада «Тошкентгўшт» комбинатидаги айрим муаммолар қаламга олинган эди. Ушбу мақола юзасидан келган жавоб хатида қуйидагилар баён этилган:

«Тошкентгўшт» акциядорлик жамияти раиси Аъзам Ҳасанович билан суҳбат асосида берилган «Очиқ гаплар» рукнидаги мақолани уюшмамиз раҳбар ва мутахассислари эътибор билан ўқиб чиқди. Бу борада ўз фикр ва мулоҳазаларимизни маълум қилиш билан бирга ушбу долзарб масала газета саҳифасида акс эттирилгани учун миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 ноябрь 470-сонли фармойиши билан икки ойлик муддатда «Тошкентгўшт» акциядорлик жамияти балансидаги қозонхона, иситиш тармоқлари таъмирланиб, 1999-2000 йил кузги-қишки даврда фойдаланиш учун тайёрлаш, уй-жойларни 2000-2001 йилнинг иситиш мавсумига тайёрлаш ва таъмирлаш ишлари тугагандан сўнг Ўзбекистон Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Тошкент вилояти коммунал хизмат кўрсатиш бирлашмаси (ТКХКБ) балансига ўтказилиши лозим эди. Шунингдек, фармойишда Молия вазирлигининг Тошкент вилояти КХКБ бажарган ишлари ҳажмида харажатларини тўлаб бериши белгиланган. Тошкент вилояти КХКБ берган маълумотга кўра, 1.01.2001 йил ҳолатига Молия вазирлигидан 154.3 млн. сўм ажратиб берилган ва бу маблағлар таъмирлаш ишлари учун сарфланган бўлиб, уларни тугатишга етарли эмаслигини кўрсатмоқдалар.

Ҳозирда таъмирлаш ишлари тўлиқ амалга ошмаганлиги туфайли қозонхона паст босимда ТКХКБ ходимлари томонидан ишлатилмоқда ва шу кунгача улар бу объектларни ўз балансига олишни рад этмоқдалар.

«Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси ўзининг 7.02.2001 йилнинг №29-02/38-сонли хати билан вилоят КХКБ қозонхона, иситиш тармоқлари, посёлка коммуникацияларини ўз балансларига қабул қилишлари бўйича мурожаат қилган, лекин ҳанузгача бу масала, шунингдек, таъмирлашни давом эттириш ишлари ечилмай келмоқда.

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида халқ хўжалигининг барча соҳаларига кенг йўл очиб берилган. Шунинг учун бугунги кунда дўконларимиз пештахталари озиқ-овқат маҳсулотларига тўла. Лекин амалдаги қонунларга мутасадди ташкилотларнинг талабларига кўра ҳар қандай фаолият, ишлаб чиқариш маҳсулотлари қонунлар асосида амалдаги давлат андозалари талабларига асосан ишлаб чиқарилиши ва савдо қилиниши шарт.

Бугунги кунда гўшт ва гўшт маҳсулотлари, колбаса маҳсулотларининг асосий қисмини «патент» асосида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ишлаб чиқариб сотмоқдалар.

«Патент» асосида фаолият кўрсатиш бу якка тартибда фаолият кўрсатаётган шахс демакдир, яъни унинг ўзи хомашё тайёрлайди, маҳсулот ишлаб чиқаради ва сотади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунига асосан, сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари норматив ҳужжатлар талабларига тўлиқ жавоб бериши ва унда белгиланган талаблар асосида сотилиши шарт. «Патент» асосида фаолият кўрсатаётган шахслар колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқарганлари ва қанча, қандай турларини сотганликлари ҳақида ҳисоботлар юритмайдилар.

Демак, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатига баҳо бериш ёки аниқлашга мутлақо имконият бўлмайди. Шунинг учун дўконлардаги маҳсулотларнинг асосий қисми ГОСТ талабларига жавоб бермайди, мазаси асосан ун, крахмал ҳамда сифатсиз гўшт маҳсулотларининг таъмини беради ва баҳоси гўштнинг нархидан арзон.

Ушбу қонуннинг 4-моддасида маҳсулотлар сифатини назорат қилиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотларга юклатилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таклиф қилардикки:

— барча гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва сотувчи ташкилотлар бир хил миқдорда солиқ тўлашлари, албатта, бунинг учун юридик мақомга эга бўлиши лозим.

— «Патент» асосида фаолият кўрсатиб, колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкилотлари томонидан сертификат берилиши тўхтатилиб, фақат юридик мақомга эга бўлган, технологик жараёнларга тўлиқ жавоб бера оладиган, ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган юридик ташкилотларга берилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Бу билан албатта, энг катта бойлигимиз бўлган халқимиз соғлигини сақлашга, сифатли гўшт маҳсулотлари истеъмол қилинишига эришган бўлардик.

■ **«Ўзгўштсутсаноат» давлат акциядорлик уюшмаси раисининг биринчи муовини Бахтиёр НУРМУҲАМЕДОВ**

«РИО+10» САММИТИ САРИ

1992 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия) шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференцияси (ЮНСЕД) ўтказилган эди. Мазкур конференцияда атроф-муҳит муҳофазасига доир бир қатор халқаро конвенциялар қабул қилиниб, асосий ривожланиш принциплари ишлаб чиқилган. Ана шу муносабат билан дунё давлатларининг XXI аср учун глобал кун тартибини бажаришда эришилган тараққиёт кўрсаткичларини баҳолаш мақсадида БМТ раҳбарлигида «Рио+10» бутунжаҳон саммитини ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда.

«Экосан» халқаро жамғармасида ана шу саммитга тайёргарлик тадбирларини олиб бориш миллий дастури ҳамда Экология ва саломатлик кунларининг иккинчи босқичи тадбирлари доирасида жамоатчилик тинглови бўлиб ўтди. Унда Рио конференциясидан кейинги даврда мобайнида барқарор тараққиёт йўлида амалга оширилган ишлар, атроф-муҳит муҳофазасига алоқадор конвенциялар амалиётини таъминлаш ва унинг замонавий йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш зарур эканлиги таъкидланди.

■ **Шуҳрат ОРИФ**

ЗАМОН ВА АДИБ

ҚАШҚАДАРЁ ГУРУНГЛАРИ

Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Гурунгимиз ниҳоясида мезбонлар бизга шаҳар айланишимизни маслаҳат беришади.

Кечқурун, ҳарорат хиёл босилганидан кейин, шаҳарни томоша қилгани чиқамиз. Суҳбатдошларимиз ҳақ: бу ердаги ҳар бир кўркам бино, темир йўл вокзали, вилоят театри, бозорлар, янги проспектлар — ҳаммасида Юртбошимиз излари, меҳри, маслаҳатлари шундай акс этиб турибди.

Кечаси алламаҳалгача уйқум қочиб, шифтга тикилиб ётаман. Шунда бир-икки йил муқаддам бир катта тадбиркор билан танишганим ёдимга тушади. Тадбиркор ўшанда бизни оламга машҳур Олаарча дарасини кўрсатгани олиб чиққанди. Қиш ойлари эди. Тоғларни қор босган. Тоғ ёнбағридаги арчалар гўё келинлик либосини кийган сулув қизларни эслатади. Арчаларнинг тепаси, ёнлари оппоқ, олд томони эса кўм-кўк. Келинчак гўё кулиб турибди дейсиз. Биз тиззадан қор кечиб, дара айланар эканмиз, тадбиркор бир гапни қайта-қайта айтганди. Унинг гапи сира эсимдан чиқмайди:

— Мен сизлардаги улкан ишларнинг баридан хабардорман. Қоровулбозордаги йирик нефть заводини ҳам, Буюк ипак йўлидаги тоғни тешиб ўтган туннелни ҳам, Асакадаги автозаводларингни ҳам — барини кўрганман... Афсуски, бизда бундай катта ишлар йўқ. Биз бор топганимизни, ҳатто хориждан олаётган кредитларимизни ҳам еб қўймоқдамиз... Шунинг учун бизнинг келажагимиз нима бўлади — буни ҳеч ким башорат қилолмайди. Сизларнинг келажакларингиз эса... Ислом оға айтгандай — буюк, порлоқ!...

Ажабо: бу гапларни, айниқса, гурунгда айтилган ҳангоматларни ёзиб бўладими? Агар ёзилса қандай ёзилиши керак? Яхши биламан: Юртбошимиз мақтовларни кўп хушламайдилар. Лекин гурунгда айтилгандек, бу гапларни кимдир айтмоғи, халқимиз, хусусан, келажак авлодлар, тарих бу гапларни билмоғи даркор-ку?

... Мен ўз ўйларим билан бўлиб, қаёққа кетаётганимизни ҳам эсимдан чиқарган эканман, бир маҳал Муроджон:

— Ухлаб қолдингизми? — деб хушимга келтирди.

Ўнг қўлда кичикроқ кўл атрофи ва йўл бўйида дарахтларга сув бераётган ишчилар, чап томонда яшнаб турган кўм-кўк боғ, боғ ортида эса ишчилар шаҳарчасининг оппоқ бинолари. Дабдурустдан бу бинолар менга қаерлардандир учиб келиб, тепаликда ҳордиқ олаётган бир гала оққушларга ўхшаб кўринди.

Биз Шўртан газ-кимё мажмуига келган эдик. Газ-кимё комплекси ишчилар шаҳарчасининг шундоқ орқасида экан. Биз шаҳарчага маҳлиё бўлиб, унга келганимизни билмай қолибмиз. Бу комплекс ҳам, «Шўртангаз» корхонаси сингари атрофи баланд ғиштин девор билан ўралган. Худди аввалги корхонада бўлганидек, бу ерда ҳам бош муҳандисни кутишга тўғри келди. Бу орада дарвоза олдига беш-олтита катта автобуслар келиб тўхтади. Улардан камида бир неча юз одам тушди. Кейин билсак улар хориждан — Филиппин, Индонезия каби Кичик Осиё мамлакатларидан келган ишчилар экан. Улар оддий ишчи бўлиб ишлашар экан. Кейинроқ биз бош муҳандисдан ахир ўзимизда ҳам ишсиз ёшлар етарли-ку, ўшаларни олсаларингиз... ҳам арзон, ҳам ишсизликка барҳам беришимизга ёрдам бўлмасмиди? — деб сўрадик. Бош муҳандис бу гапимизга қўшилди. — Лекин, — деди у, — сизлар кўрган хорижлик ишчилар комплексимизга келишидан аввал Америка, Канада, Таиланд, Германиядаги худди шундай технология жиҳатдан ўта мураккаб заводлар қурилишида ишлаб, тажриба орттирган яхши мутахассислардир.

Газ-кимё мажмуи АҚШнинг замонавий технологияси асосида қурилмоқда. Унга Америка, Германия, Японияндан келтирилган мураккаб ускуналар ўрнатилмоқда экан. Бу технологияни ўзлаштиришда Американинг «Ай-Би-Би» фирмаси муҳандислари иштирок этаётир. Улар, табиийки, ўзбек тилига тушунмайди, ҳалиги ишчилар эса инглиз, немис, француз тилларида бемалол гаплаша оларкан.

— Курслар очиш мумкин-ку, — деймиз биз. — Ёшлар уч-тўрт ойдаёқ «твоя-моя» дегандек, одрига қадам қўямиз.

Газ-кимё комплекси унча катта эмас, цехлар ҳам завод цехларига ўхшамайди. Тепаси мовий гумбаз шаклида қурилган шинам, чиройли бинолар. Улар дабдурустдан кичикроқ театр биноларини эслатади. Қурилиш деярли тугаган. Бу ерда ҳам «Шўртангаз»дагидек ҳаммаёқ ёғ томса ялагудек тоза, озода. Ўктамжон лўнда қилиб тушунтиради:

— Комплекс бор-йўғи икки ойда ишга тушади. Шу кунларда хориждан контракт асосида келишган мутахассислар мукаммал технология асосида дастгоҳ ва ускуналарни ўрнатишаяпти.

Биз, янги комплекс берадиган маҳсулот ҳақида сўраймиз.

— Асосий маҳсулот полиэтилен. Бугун ҳаётимизни полиэтиленсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ундан юз хил маҳсулот, полимерлар, синтетик материаллар, ҳар хил кристаллар, энг муҳими — синтетик қувурлар, жумладан, газ ва сув қувурлари олинади. Илгари бу қувурларга темир, пўлат, ҳатто чўян ишлатиларди. Тасаввур этинг: қанча металл сарф қилинарди? Комплекснинг асосий маҳсулоти экспорт қилинади, яъни давлатимизга валюта келтиради.

Газ-кимё мажмуи ўртасидаги икки қаватлик кўркам бинога яқинлашганимизда Ўктамжон бизни ичкарига таклиф қилди.

— Бизнинг ҳамма лабораторияларимиз шу бинода. Бир кўриб кетинглар, — дейди у.

Ичкарига киришимиз билан муздек ёқимли ҳаво юзимизга урилади. Ташқарида олов пуркаб турганда бамисоли жаннатга кириб қолгандай ҳис қиламиз ўзимизни. Ўктамжон чап қўлдаги биринчи эшикни очди:

— Марҳамат!

Ичкарига кирамиз. Ақл бовар қилмайдиган минг хил дастгоҳлар, ускуналар, колбалар, компьютерлар ўрнатилган улкан тўртбурчак хонада беш-олтита оқ халатли қиз-жувонлар, уч-тўртта йигитлар бизнинг ақлимиз етмайдиган нозик юмушлар билан банд. Биз улар билан танишамиз. Қаердан келганликларини суриштирамиз. Бири Тошкентдан, бири Намангандан, яна бири Қашқадарёнинг ўзидан, ёш эр-хотин эса — Андижондан экан. Ҳаммаси олий маълумотли, Техника университети ва институтларнинг кимё-технология факультетларини битиришган.

— Қалай, қийналаётганларингиз йўқми? Иссиққа ўрганиб кетдиларингизми?

— Қанақа иссиқ? — кулишади қизлар. — Қишдагидай совқотиб ўтирибмиз-ку!

— Шароитларингиз яхшими? Ораларингизда эр-хотинлар борми? Фарзандлар-чи?

Шароитдан нолувчилар чиқмади. Эр-хотинлар ҳам, фарзанд кўрганлар ҳам бор экан.

— Болалар боғчалари-чи? Мактаблар-чи?

— Ҳаммаси бор, ҳаммаси яхши. Газетага уриб юрмангизлар мабодо! — деб кулишади қизлар.

— Шаҳарчамизни кўрмадиларингизми ҳали? Бунақа шаҳарча Тошкентда ҳам йўқ. Икки хонали квартирамизнинг майдони сизларнинг тўрт хоналикларингизга тўғри келади.

— Қисқаси, бу ердан қочиш ниятларингиз йўқми?

— Қочиш?— қизлар яна кулишади. — Қайтага бирга ўқиган дўстларимизни, дугоналаримизни чақираяпмиз! Бунақа заводда, бунақа шароитда ишлаш — катта бахт-ку!

Бошқа хоналарга ўтамиз. Ҳамма жойда ўша ҳолат; ўша манзара: компьютерлар, мураккаб ускуналар, мураккаб анализлар билан шуғулланаётган ёш қизлар, жувонлар. Улар бизни очиқ чеҳра билан қутиб олишади. Хайрлашаётганимизда:

— Қолинглар, меҳмон бўлинглар, уйимиз яқин, кўриб кетинглар, — деб қисташади.

Ҳақиқатан, дарвозадан чиқамиз-у, шундоқ бурилиб, ишчилар шаҳарчасига рўпара бўламиз. Қизлар ҳақ: бундай кўркам, яшаш учун қулай уйжойлар улкан шаҳарларимизда ҳам кам. Менга оққушлар бўлиб кўринган оппоқ бинолар энг замонавий, энг катта шаҳарлардан андоза олиб қурилган!

Мактаб ҳам, болалар боғчалари ҳам, дўконлар ҳам ишчилар яшайдиган биноларга туташиб кетган, ишчиларга қулай, овора бўлиб юрмайдилар. Шаҳарчадан чиқамизу, уни қуршаб турган улкан боққа кирамиз. Ҳа, ақл бовар қилмайди. Комплекс қурила бошлаганига ҳали уч йил ҳам тўлмаган. Кирсангиз чиққингиз келмайдиган боққа ҳам худди ўша қунлари асос солинган. Бош муҳандис Президентимиз Ислом Абдуғаниевичнинг гапларини яна бир бор эсга солади: завод қуришдан, шаҳар бунёд этишдан аввал атрофига ниҳол ўтқазмоқ даркор, токи завод битганда боғ ҳам кўкариб турсин. Уч йил муқаддам қадалган ниҳоллар ҳозир туя бўйидан баланд бўлиб, олма, ўрик, гилослар ҳосилга кирган. Шаҳар аҳли бу йил унинг мевасидан баҳраманд бўлади.

Биз бу гапларнинг амалда рўёбга чиқаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Муборакка ғира-шира қоронғуликда кириб борамиз. Мингларча чироқлар гирдобида шаҳар уммон қўйнида сузиб кетаётган улкан кемани эслатади.

Кенг кўчалар, хиёбонлар, парклар, қўша-қўша стадион ва спорт соғломлаштириш масканлари, осмонга бўй чўзган кўркам бинолар. Қаердадир музика янграйди, шаҳар узра шўх, қувноқ қўшиқ янграйди.

Бизни хориждан келадиган ишбилармонлар тушадиган шоҳона меҳмонхонага жойлаштиришди. Лекин меҳмонхона қанчалик кўркам, тўшак қанчалик юмшоқ бўлмасин, саҳар мардон уйғониб кетаман. Уч кун давомидаги учрашувлар, гурунглар эсимга қайта-қайта тушади, тушадию, ҳар бир адибга таниш ташвиш миямга ором бермайди: кўрган-кечирганларимни, гурунгларни, айниқса, анов мўътабар инсонлар айтиб берган мудҳиш эсдаликларни қоғозга қандай тушираман?

Барвақт бўлса ҳам, соқолимни қиртишлаб, пастга тушаман. Чоғроққина ҳовлида бир одам гул ўрнига экилган буғдойларга сув бериб юрибди. Мени кўриб ёнимга келади, исмимни айтиб саломлашади. Лоп этиб, Муроджоннинг гапи ёдимга тушади.

«Муборак нефть ва газ конлари бошқармасининг бош директори Нуриддин Зайниев ўта оддий, самимий одам, жуда дилкаш, суҳбати ширин».

Кўришамиз. Ўрта бўйли, олифта эмас, эгнида анча кийилган қора костюм, сариғиш кўйлак, галстуги ҳам йўқ.

— Кечаси келмоқчи эдим, безовта қилмай дедим, — дейди Нуриддин ака.

— Келаверсангиз бўларкан, гурунглашардик.

— Мана энди гурунглашаверамиз, қани тепага чиқайлик!

Тепада чой, кофе тайёр экан. Қўшни хонадан Муроджон кирди.

У Муборакда кўп бўлган, кўп ёзган. Улар эски қадрдонлардай қучоқлашиб кўришдилар.

— Бир қошиқ қонимиздан кечасиз, Нуриддин ака. — Биз сиздан берухсат бир нечта конларингизда бўлдик, ишчилар шаҳарчасини кўрдик. Айниқса, конлар ва шаҳарчалар атрофидаги боғлар ва гулзорларни кўриб қойил қолдик.

Нуриддин ака камтарин кулиб:

— Фақат биз эмас, бундай боғларни «Шўртангаз» корхонасида ҳам, газ-кимё комплексини ҳам кўрган бўлсангиз керак... Ёш рахбарларничи? Яхши йигитлар-а, — дейди Нуриддин ака ва акаларча бир меҳрибонлик билан давом этади, — жуда ёш йигитлар. Лекин ёш бўлишларига қарамасдан Америка, Канада, Германияда тажриба орттириб келишган. Шу тажрибаларига суяниб шундай мураккаб завод ва комплексларни бошқаришяпти. Энди боғларга келсак... Мен Ислом Абдуғаниевичнинг фаолиятини кўп йиллардан бери кузатиб бир фикрга келдим — бу бунёдкорлик! Бунёдкорлик — у киши учун туғма фазилат. Мана, ҳозир Ўзбекистон харитасини хаёлан кўздан кечирайлик — ҳаммаёқ қурилиш. Юзлаб корхоналар, заводлар, Буюк ипак йўлини қайта тикловчи автомобиль ва темир йўллар, стадионлар, лицей ва коллежлар, театрлар! — Нуриддин ака гаплари қандай таъсир этаётганини билмоқчи бўлгандай бизга бир қараб қўядилар. — У киши бизга келганларида бир гапни айтган эдилар: Қашқадарё — очилмаган хазина! — дегандилар. — Ҳали яна юзлаб конлар, қимматбаҳо маъданлар топилади. Ана шунда... агар биз ҳар бир кон ва ҳар бир завод атрофига ниҳол ўтқазиб, боғ ярата олсак, ким билсин, балки бир кун келиб бутун дашт улкан, беқиёс бир боққа айланиб кетар!..

Нуриддин аканинг бу гапларидан кейин биз дадилланиб асосий гапга ўтамиз:

— Биз, албатта, саёҳатимизни сиздан — Муборакдан бошлашимиз лозим эди, — деймиз. — Чунки ҳозир «Шўртангаз» заводи билан газ-кимё комплексининг шуҳрати қанчалик баланд бўлмасин, Қашқадарё газ заводларининг отаси ҳам, онаси ҳам Муборак эканини яхши биламиз.

Нуриддин ака мақтовларимизга учмай, мийиғида бир кулиб қўяди.

— Энди... Қашқадарё газининг отаси ҳам, онаси ҳам Муборак десак муболаға бўлар, — Нуриддин ака хижолат чекиб, бўйнини қашийди. — Аммо ҳақиқат шундаки, ҳозир Муборак газ конлари ишлаб чиқариш кўламига кўра дунё миқёсида еттинчи ўринда туради. Бизнинг бераётган маҳсулотларимиз кўлами ҳақида мана шу рақамга қараб хулоса чиқараверасиз... Ҳозир биз фақат шаҳарларимиз, фақат яқин қўшни давлатларимизнигина эмас, республикамизнинг энг овлоқ тоғ қишлоқларигача газ бераяпмиз! — Нуриддин ака бу гап қандай таъсир этганини билмоқчи бўлгандай бизга бир қараб олди. — У ерлардаги халқнинг қувончини бир кўрсангиз эди. Тўй бўп кетди, аёллар кўзларига ёш олиб гапиришади, кексалар дуо қилишади... Ҳали сизлар айтган ҳамма нарса ўзимизники бўлди деганларингиз шудир ахир!

Гап айланиб кадрлар масаласига ўтади.

Биз «Шўртангаз» заводида эшитган гапларимизни эслаймиз.

— Сизларда ҳам аҳвол шундайми ахир?

— Худди шундай. Ҳозир ҳамма муҳим жойларда: йирик цехларда, конларда, улкан компрессор станциясида — ҳаммасида ўз миллий кадрларимиз, ўз йигитларимиз.

— Илгариги раҳбарлар-чи? Қайтиб келганлари борми?

— Ҳа, битта-яримталари бошлари оғиб кеп қолади, — дейди Нуриддин ака кулимсираб.

— Нима дейишади?

— Баъзилари афсус қилишади, кўплари ажабланишади. Биз сизларни бунақа мураккаб заводларни бошқара олади деб ўйламаган эдик, дейишади. Ҳамма нарсани хонавайрон қиласанлар деб ўйлаган эдик, дейишади...

— Демак, ҳозир сизларда ҳеч қандай муаммо йўқ?

— Йўғ-э... Муаммо бор. Битта мисол: мана, суюлтирилган газ масаласи. Биз уни дарё қилиб оқизяпмиз, ёқяпмиз, сотяпмиз. Лекин бир нарсани ҳисобга олмаяпмиз, газимиз таркибида йигирмадан ортиқ қимматбаҳо элементлар бор. Ҳозиргача биз уларни ажратиб олмаганмиз. Улар газ билан баравар сизларнинг печкаларингиз, газ плиталарингизда ёниб кетаяпти... Энди газни печкаларингизга беришдан аввал ана шу қимматбаҳо элементларни ажратиб олиш билан шуғулланяпмиз. Бу жуда мураккаб жараён. Янги ускуна, янги технология керак, бу заводни қайта қуришдек гап...

Қарасак, бу одамда гап кўп, суҳбатимиз бир кун тугул бир ҳафтада ҳам тугамайди. Ҳолбуки, анов гапга, қатағон йилларига ҳали келмадик.

Мен Муроджонга қарайман, Муроджон менга. Нуриддин ака кўз ориштирганимизни сезиб қолиб, шошяпсизларми, деб сўрайди. Биз Қаршидаги гурунгни эслаймиз. У кишидан ҳам гап олиб, «протокол»га киритсак, деган ниятимиз борлигини айтамиз.

Нуриддин ака ҳайрон бўлади.

— Нега энди «протокол» ёзасизлар?

— Чунки бу масалада бир оғиз ҳам ёлғон бўлмаслиги керак!

— Ҳмм... — Нуриддин ака пешонасини ишқаб, ўйга толади.

Бу шундай разил, шундай ҳақоратомуз иш бўлганки, ҳеч эслагиси келмайди киши...

— Мен у маҳалда вилоят партия комитетида саноат бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлардим, — дейди Нуриддин ака, аллақандай истар-истамас овозда, лекин аста-секин, ўзи ҳам сезмаган ҳолда, гапга киришиб кетади.

Биз ҳайрон бўламиз.

— Саноат бўлимининг у қонунбузарларга нима алоқаси бор? Ахир улар пахта билан шуғулланишган-ку!...

— Улар пахта билан шуғулланишган, деган гап пахта заводлари билан шуғулланишган деган гап. Пахта заводлари эса менинг бўлимимга — саноат бўлимига қарарди. Хуллас калом, улар бир томондан раислар, совхоз директорлари, бўлим бошлиқлари, бригадирларни тергов қилишса, иккинчи томондан завод директори, инженерлар, технологлар, тарозибонлар, лабораторияда ишлаган қиз-жувонларгача, ҳатто қоровулларгача оборибопкелишган. Зулм шундай бўлганки, ҳатто лабораторияларга ўз одамларини қўйиб қўйишган. Масалан, айтайлик, лаборант қизлар колхоз-совхозлардан келган пахта намлигини 59 фоиз деб белгиласа, улар 25-30 фоиз деб белгилашган. Яъни, бир тонна пахтадан сал кам учдан бирини уриб қолишган. Яна сенлар ўғрисанлар, муттаҳамсанлар, қаллобсанлар, деб ҳақорат қилишган. Шўрлик раислар менга келишади, мен қишлоқ хўжалиги бўйича котибимизга кираман. У киши қўлларини силкитиб:

— Кўй, кўй, Нуриддин. Бу гапларингизни ановлар эшитиб қолмасин, — деб ёлворадилар... Улардан балоқазодан қўрққандай қўрқардилар! Яхшиям шу орада Ислом Абдуғаниевич вилоятга биринчи раҳбар бўп кеп қолдилар. Агар у киши кеп қолмаганларида... билмадик аҳволимиз нима бўларди?

Нуриддин ака нафасини ростлаб, пешона терларини артади.

— Ислом ака келганларидан кейин пахта заводларида ўтириб олиб, ўз қонунқоидаларини жорий қилмоқчи бўлган ўзбошимча иш қилган назоратчилар гумдон бўлганлари аниқ!

«Бахтимизга Ислом ака кеп қолмаганда». «Ислом ака бўлмаганларида». Бу гапни Қашқадарё сафари чоғида кўп бор эшитдик.

Нуриддин ака яна бир кун қолишимизни илтимос қилди, «протокол»га тушадиган гапларни ўтириб эмас, ётиб гурунглашиш кераклигини айтади. Бу ҳақда битта мақола эмас, бутун бир китоб ёзиш керак деди. Биз яна келишга ваъда бериб, бу ҳақиқатан ҳам билимдон, вазмин инсон билан илиқ хайрлашамиз.

ТОШКЕНТ — ҚАШҚАДАРЁ

Ҳозир эсимда йўқ, бу гапларнинг эртасигами, индинигами оқсоқол адибимиз марҳум Абдулла Қаҳҳордан интервью олгани боғига чиқдим. Қарасам, шарқираб оқаётган бир ариқ сув устига қурилган шийпонда, осмонга бўй чўзган бир туп гужум соясида икки буюк инсон — Ҳабиб Муҳамедович билан Абдулла ака ёнбошлашиб қулоқларини қулоқларига қўйиб, гурунглашаётган эканлар. Боришга бориб қолдим-у, сезиб турибман: мен уларга кутилмаган меҳмон — ёвдан ёмон бўлиб туюлдим-ов! Ҳабиб Муҳамедович, гарчи илгари бир неча марта кўришган бўлсак ҳам, чамаси ёдларидан кўтарилган бўлсам керак, Абдулла акага: «Бу йигит ким, нима қилиб юрипти бу ерда?» деган маънода қарадилар. Абдулла ака мийиғида кулимсираб, бир нима дедилар. Чамаси: «Ҳавотир олма, ўзимизнинг йигит!» дедилар-ов. Шундай бўлса ҳам, Ҳабиб Муҳамедович кўп ўтирмадилар. У киши кетгандан кейин Абдулла ака ёстиғининг тагидан бир газит олиб кўрсатдилар. Бу — «Известия» газетасининг шу кунги сони эди. Унда Ҳабиб Муҳамедович ҳақида катта мақола эълон қилинган, мақолада эса улуғ олимимиз бошидан бир жом мағзава тўкилган эди. Айтилган эдики, гўё бу одам шаҳарда яхши уйи бўлатуриб, шаҳар чеккасидан яна бир данғилама уй қурган. Уни қимматбаҳо жиҳозлар билан жиҳозлаган ва ҳоказо!

Мен Ҳабиб Муҳамедовичнинг оғир касал эканини Абдулла акадан кўп эшитган эдим. Адибимиз бу ҳақда қаттиқ ташвишланиб, безовта бўлиб гапирардилар. Лекин имоним комилки, буюк инсоннинг ўз халқи дардлари ҳақида қуюниб айтган сўзларидан кейин бошланган ғийбат ва бўҳтонлар у кишини ажалидан беш кун бурун гўрга тикди. Тўрт-беш йилдан кейин эса Абдулла ака ҳам «мен солдат эмасманки, кўринганга честь бериб турадиган, мен партиянинг онгли аъзосиман», деган машҳур сўзидан кейин ур калтак, сур калтакка дучор бўлиб, бу ёлғон дунёни тарк этдилар.

Катта йўлда ҳамон учиб кетяпмиз. Йўлимизда Қултоғ, Помуқ, Аланг деган конлар, Кўкдумалоқ компрессор станцияси ва ишчилар турадиган каттагина шаҳарча ётарди.

Мана энди ҳаммаси ўзимизники: аллақачон ишлаётган ва янгидан топилаётган конлар ҳам, бу конлар ишчилари учун қурилаётган шаҳарчалар ва улар атрофида барпо этилаётган кўркам боғлар ҳам, ҳаммаси ўзимизники, халқимизники, давлатимизники. Афсуски, заҳматкаш халқимизнинг азиз фарзандлари бошларини кундага қўйиб, халқ дарди, истаклари учун курашганларида, бу онларни кўролмай ҳаётдан кўз юмдилар!

Томоғим ғип бўғилиб узоқларга тикиламан. Яхшиям шу пайт овлоқда, дашт осмон билан туташиб кетган жойда кўм-кўк «орол» кўзга чалинди. «Ё шаҳарча. Ё янги топилган кон!»

Ҳақиқатан, Қашқадарёнинг энг ғарбий ҳудуди ҳисобланган бу ерларда Муборак нефть ва газ конлари бошқармасига қарашли учта кон: Қултоғ, Аланг, Кўкдумалоқ конлари ва ниҳоят, ишчилар учун барпо этилган катта шаҳарча жойлашган экан. Бу конлар Муборак нефть ва газ конлари бошқармасининг фахри: биргина Кўкдумалоқ кони газдан ташқари Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводига кўплаб конденсат, Фарғона ва Олтиариқ заводларига эса нефть бераркан!

Биз токи бу конни кўздан кечириб, унинг бош муҳандиси Ҳасан Ашуров ва унинг сафдошлари билан суҳбатлашгунимизга қадар Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг Қоровулбозорда қурилганининг сабабини яхши тушуниб етолмаган эдим. Энди билсам, бунинг энг муҳим сабаби нефть конига яқинлиги экан: оралиғи бор-йўғи 100 километр экан!

Вақт зиқ, офтоб уфққа томон ёнбошлай бошлаган. Биз маслаҳат билан ишчилар шаҳарчаси ва Кўкдумалоқ конини бориб кўрдик. Аммо ҳозир мен бу ҳақда ҳикоя қилиб ўтирмайман. Чунки, бу кон ҳам, шаҳарча ҳам, «Шўртангаз» корхонаси билан газ-кимё мажмуи ҳам, боғлар ҳам ўша-ўша, ҳатто конлардаги иш тартиби ҳам, ишчилар ҳам жуда-жуда ўхшаб кетарди. Бу конлар ҳам замонавий технология асосида қурилган, барча ишлар автоматлаштирилган. Фақат бу ерда иш навбат асосида қурилган, яъни ишчилар бир ҳафта ишлаб, шаҳарчада яшайдилар, бир ҳафта эса ўз уйларига бориб дам олишар экан. Хоналар кенг, кўрпа-тўшаклар озода. Душ, ванна — ҳаммаси муҳайё. Маошлари ҳам яхши: оддий кончининг ойлиги 30-35 минг сўм! Ишчилар орасида ҳамма вилоятлардан вакиллар бор. Қашқадарё, Бухоро, Андижон ва Фарғона йигитлари айниқса кўп. Барчага маълум: Андижон ва фарғоналиклар борки, кулги ва аския авжида. Биз ҳам аскияга аралашишга уриниб кўрамиз.

